



Мусулмонларнинг амири бўлган бу жасур аскарнинг исми Комил Мухаммад Аюбий бўлган. У Майяфарикин вилоятининг амири эди. Бу киска макола унинг сўнгги жангига ва жасоратига бағишланади...

Багдод кулаганидан кейин, жуда кўп мусулмон амирлар мўғулларга бўйин эгишга рози бўлиб, улар билан шартномалар тузди. Уларнинг орасида Мўсул амири Бадриддин, Онадўлидан Кайкавус II, Килич Арслон IV, Хўмс амири Ашраф Аюбий ҳамда Халаб ва Дамашк амири Юсуф Аюбийлардир.

Шимолий Ирок, Шом ва ҳозирги Туркиянинг катта кисмига эгалик қилувчи амирлар мўғулларга таслим бўлган бўлсалар ҳам мўғулларнинг қонхўр хони Хулагу учун Аюбийларнинг бир амири уни тан олмагани ва у билан охиригача урушмоқчи бўлгани катта муаммо тугдирди. Бу жасур одам Комил Мухаммад Аюбий бўлиб Майяфарикин вилоятининг амири эди (ҳозир бу шаҳар Туркиянинг Диярбакир вилоятидаги Силван, деб номланган кичик бир шаҳарчадир). Комил Мухаммад Аюбий қўшинлари Ирокнинг шимолий гарби ва Шомнинг шимолий шарқини назорат қиларди.

Шомни босиб олмоқчи бўлган Хулагу қўшинлари Комил Мухаммад Аюбий назорат қилган ерлардан ўтиши керак эди. Шунинг учун ҳам Майяфарикин қаласини мўғуллар нима қилиб бўлса ҳам олиши керак эди. Бундан ташқари мусулмонларнинг Комил Аюбийга муҳаббатлари ҳам ўзгача эди.

Хулагу Комил Мухаммад Аюбийни кўрқитиб кўрмоқчи бўлди ва унинг ҳузурига араб миллатига мансуб элчини юборади ва ҳеч қандай шартларсиз таслим бўлиш керак деб

талаб кўйади. Ўша элчининг исми “Якуб роҳиб” эди. Хулагу айнан уни юборишига сабаб, биринчидан Комилга ўз тилида Хулагуни кучини таърифлаб берадиган (кўркатадиган) одам бўлса, иккинчидан унинг насронийлиги насронийлар ҳам Хулагу тарафида эканини билдириб кўйиши эди.

Шундай қилиб, Комил Мухаммад Аюбий мушрик ва уларнинг малайлари босиб кетган дунёда иймоннинг кичик бир оролчасига айланди. Шарк тарафидан насронийларнинг Арманистони, шимолий шарқда эса Гуржистон, жанубий шарқда Мўсул, гарбда салжукий амирликлари, жанубий гарбда эса Халаб бор эди. Зикр қилинганларнинг сўнгги учтаси мўғуллар билан ҳамкорлик қилаётган амирликлардан иборат эди.

Шундай қилиб, амир Комил Мухаммад Аюбий Хулагуни элчисини ўлдириб, унга қарши уруш эълон қилади. Бу хакида хабар топган мўғулларнинг хони тезда катта кўшин йигишга буйруқ беради ва бу кўшинга бош қилиб ўз ўглини қўйади. Арман ва гуржийлар ҳам Майяфарикинга қарши ўзларининг аскарларини юборади.

Амир Комил Мухаммад Аюбий ўз халқини душманга қарши урушиш кераклигига даъват қилади ва қахрамон-кала мўғул тўдаларининг йўлида яқка ўзи туриб беради. Ярим йил давом этган камалдан сўнг Майяфарикин қаласи қулайди. Мўғуллар шаҳар аҳолисининг ҳаммасини қатл қилиб, барча уйларни ёқиб қулади.

Амир Комил Мухаммадни эса асирга олишади. Мўғул кўшинларининг тўда боши уни Хулагу олдига олиб боради. Ўша вақт Хулагу Халаб шаҳрида эди.

Хулагу амирнинг қўл-оёқларига қишан солади ва қаттиқ қийноқларга солади. Сўнг Комил Мухаммад Аюбий шахид бўлади. Ўлимадан сўнг, мўғуллар мусулмон амирининг қалласини Дамашқнинг Бобул-Фирдавс дарвозасига олиб қўйишади.

Орадан бироз вақт ўтиб мусулмонларнинг унинг бошини бир масжид ёнидаги қабристонга қўмишади.

Islamstory материаллари асосида

Абду Муслим тайёрлади